

<https://adolat24.uz/>

t.me/Gazeta_Adotat

www.adolat.uz

info@adolatgzt.uz

ADOLAT

ЎТИМОИЙ-СИЙОСИЙ ГАЗЕТА



QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклав олинг!



«Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси Робохон Махмудова партия тизимини янада такомиллаштириш, ҳудудий кенгашлар фаолиятидаги муаммо ҳамда камчиликларни ўрганиш ва бартараф этиш мақсадида республикаимиз бўйлаб ҳудудлар кесимида ўрганиш ишларини олиб бормоқда. Партия етакчисининг навбатдаги хизмат сафари Хоразм вилоятига бўлди.

Робохон Махмудованинг вилоят бўйлаб ўрганишлари партиянинг Хива туман кенгаши фаолияти билан танишишдан бошланди. Дастлаб ҳудудий кенгаш жойлашган бино ҳолати, шарт-шароитлари ўрганилгач, туман кенгаши раиси Шуқурой Мадаминава билан мавжуд камчиликлар, ютуқлар ва бартараф этилиши лозим бўлган муаммолар юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Бугунги кунда туман кенгаши таркибида 4517 нафар аъзо бўлиб, улар 26 та БПТга бирлашган. 3 нафар депутатдан иборат депутатлик гуруҳи шаклланди. Жорий йилнинг биринчи чорагида улар томонидан халқ депутатлари туман кенгаши сессиясига битта масала киритилган. Доимий комиссия йўғилишларида эса 7 та масала муҳокама этилган. Шунингдек, 4 та мансабдор шахс эшитиш ташкил этилган ҳамда 6 та депутатлик сўрови чиқарилган.

Ўрганишлар жараёнида аъзолар сони, аъзолик бадалларининг тушуми, партия туман кенгашининг режасига мувофиқ тадбирларнинг қандай кўламда ташкил этилаётгани, «Еш адолатчилар» ва «Аёллар» қанотларининг иш режаси ва фаолияти

ни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳамда бошқа бир қатор масалалар танқидий таҳлил этилди.

Шунингдек, мансабдор шахс эшитиш, доимий комиссияларга масала киритиш, депутатлик гуруҳи фаолиятини янада жонлантириш каби бир қатор масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Партия раҳбари Хоразм Маъмур академиясида бўлиб, мазкур илм даргоҳида амалга оширилган ишлар кўлами билан ҳам танишди.

Учрашув давомида партия раҳбари мамлакатимизда кечаётган муҳим сиёсий, ижтимоий, иқтисодий жараёнлар замирида илм-фаннинг беҳисаб ҳиссаси борасида тўхталиб, давлатимиз томонидан юртимиз олимлари фаолиятини янада кенгайтириш, такомиллаштириш, ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган қатор лойиҳалар баробарида «Адолат» СДП Сайлов-олди дастурида илм-фанны ривожлантириш, олимлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида илгари сурилган тақдир ва ташаббуслар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Эришилаётган муваффақиятлар фидокорона фаолият самарасидир

Партия ташаббуси билан



Конституциямизнинг аудиокитоби яратилди

Ўзбекистон «Адолат» СДП томонидан янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг аудиокитоб шакли яратилди.

Албатта, ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланадиган Бош қомусимизни яхши билишимиз, ҳаётимизда, кундалик турмушимизда унга амал қилишимиз шарт. Эътироф этишимиз лозим, мамлакатимизда аҳолининг кенг қатлами билан бир қаторда имконияти чекланган юртдошларимизнинг ҳуқуқий саводхонлик ва маданиятини юксалтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда замонавий ахборот технологияларининг кенг имкониятларидан фойдаланган ҳолда яратилган қўлай ва интерактив юридик адабиётларга талаб юқори эканлиги ҳам ўз-ўзидан аён.

Шу боис, партия томонидан яратилган Бош қомусимизнинг аудиокитоб шаклдаги варианты аҳолининг барча қатлами учун Конституциямиз нормаларининг мазмун-моҳиятини қўлай, осон тарзда тушуниш, эслаб қолиш имкониятини яратиши билан аҳамиятли.

Айтиш жоизки, партия Сиёсий Кенгаши раиси Робохон Махмудованинг ташаббуси асосида яратилган мазкур аудиокитобда бир қатор соҳа мутахассислари ва партия фаолларининг тақдир ва тавсиялари ўз аксини топган.

Қолаверса, муҳаррир Ислон Ҳамроев, режиссёр Ҳожиакбар Расулов ҳамда соҳир овоз соҳиби Навфал Болтаевлардан иборат ижодий жамоа ҳамкорлигида тайёрланган аудиокитоб юртдошларимиз, жумладан ёшларимизнинг бўш

вақтларини унумли ўтказиш, иш, ўқиш ва кундалик ҳаётда Конституциямизнинг муҳим нормаларини самарали ўрганиш имкониятини яратади. Энг муҳими, ушбу ташаббус орқали имконияти чекланган фуқароларимизнинг ҳуқуқий билимларини юксалтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Эндиликда мазкур аудиокитобни кенг оммага етказиш мақсадида қатор давлат ва нодавлат ташкилотлар, шу жумладан, олий ва ўрта таълим муассасалари, имконияти чекланганлар билан ишлаш жамиятлари ва, албатта, Миллий кутубхона тизимидаги ахборот ресурсларига етказиш ҳамда ушбу ташкилотлар билан ҳамкорликда тақдимот тадбирларини ўтказиш режалаштирилган.

Ҳозирда китобнинг аудио шаклини партия расмий сайти (adolat.uz) орқали юклав олишингиз мумкин.

Юзма-юз мулоқот



Депутатлар халқ орасида

Аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш, муаммоларини жойида ҳал этиш, одамларда адолатга, давлатга ишончни мустаҳкамлаш давлат идоралари, раҳбарлар олдидаги устувор вазифага айланди. Шунга монанд Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳам ўз ҳудудларида аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ўрганмоқдалар, халқ билан фикрлашиб, камчиликларнинг аксариятига шу жойнинг ўзида ечим топишга эришяптилар.

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 70 йиллиги

“Мен бир чинор бўлсам, ўзинг ниҳолим...”



Бугун халқимизнинг севимли фарзанди, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллуд топган кун. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 14 февралдаги “Муҳаммад Юсуф таваллудининг 70 йиллигини ўтказиш тўғрисида”ги фармойишига кўра, республикаимизда шоир таваллуд топган кун кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан шоирнинг рафиқаси, Муҳаммад Юсуф номидаги фонд раҳбари, “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳибаси, шоира **Назира ас-Салом** билан суҳбатимизни эътиборингизга ҳавола этамиз.



Эришилаётган муваффақиятлар фидокорона фаолият самарасидир

**Замира
АБДУЛЛАЕВА,
Хоразм вилоят кенгаши
матбуот котиби**

1 Р.Махмудова учрашув давомида академия қошида ташкил этилган кутубхона, музей-экспозициядаги ўзгаришлар, лабораториялар, замонавий талабларга тўла жавоб берадиган бино имкониятлари билан танишди. Партия етакчиси эришилаётган муваффақиятлар Маъмур академияси жонкуярларининг фидокорона фаолиятлари самараси эканлигини алоҳида эътироф этди.

Шундан сўнг Робохон Махмудова Урганч Давлат университетда педагоглар, талаба ёшлар, партия фаоллари ва кенг жамоатчилик иштирокида «Хотин-қизларни тазйиқ ва эърафонликдан асраймиз» мавзусида ташкил этилган тадбирда қатнашди.

Партия етакчиси тадбирда хотин-қизларимизнинг жамият ҳаётидаги ўрни ижтимоий, иқтисодий соҳалар баробарида сиёсий жараёнларда ҳам бирдек фаоллашиб бораётганини таъкидлаб ўтди.

Робохон Махмудова жамиятимизда эърафонликка учраётган, тазйиқ ва босим остида яшаётган хотин-қизлар борасидаги статистика энг оғриқли нўқталаримиздан бири эканлигини, бу каби ҳолатлар нафақат жамиятдаги ижтимоий иллатлар оқибати, балки хотин-қизларимизнинг ўз ҳақ-хўқуқларини яхши билмасликлари билан боғлиқ ҳолда



юзага келаётганига эътибор қаратди.

Тадбир якунида партия ғояларига хайрихоҳлик билдирган бир гуруҳ талаба ёшлар партия аъзолигига қабул қилинди.

Робохон Махмудова тадбиркорлик субъектлари билан яқиндан танишиш мақсадида махсус ишчи гуруҳ билан биргаликда Хива шаҳрида жойлашган «Xiva gilam kombinati» МЧЖда бўлди.

Махсус комбинат махсус лойиҳа асосида анча вақтгача фойдаланилмай ётган бино ўрнида 2020 йил сентябрь ойида ташкил этилган. Корхона Германия, Бельгия, Австрия, Швейцария, Италия, Франция ва Туркиядан келтирилган энергия

тежовчи ускуналар билан жиҳозланган. Комбинатда полипропилен ип, гилам ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Тайёр ип маҳсулотлари АҚШ, Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистон давлатларига экспорт қилинади.

Комбинатда 750 та иш ўрни яратилган. Ишлаб чиқариш қуввати йилга 4 миллион квадрат метрни ташкил этмоқда. Маҳсулотнинг 45 фоизи чет элга сотилиши, йиллик экспорт 5 миллион доллардан ошиши кўтилмоқда.

Партия етакчиси корхона жамоаси билан суҳбатлашиш жараёнида уларнинг эл-юрт равнақи йўлида қилаётган меҳнатларини юқори баҳо-

лаб, давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ҳар бир ислохот инсон кадр-қимматини юксалтиришга қаратилганлиги билан аҳамиятли эканлигини таъкидлаб ўтди.

Учрашув сўнггида партияга аъзо бўлиш истагини билдирган комбинат ишчи-хизматчиларига партиянинг аъзолик билетлари топширилди. «Xiva gilam kombinati» МЧЖ қошида бошланғич партия ташкилоти тузилди.

«Адолат» СДП етакчиси Робохон Махмудованинг вилоят аҳолиси ва партия фаоллари билан учрашувлари давом этмоқда.

Бугуннинг гапи



Шу кунларда мамлакатимизда табиий газ ва электр ресурслари нархини табақалаштириш, яъни «кўп истеъмол қилган кўп пул тўлайди» тамойилини жорий этиш таклиф қилинмоқда. Бунинг учун барчага арзон нархдаги «ижтимоий пакет» тақдим этилади, ушбу пакетдан ошқоча истеъмол қилганлик учун эса табақалаштирилган нархлар жорий этилади.

**Қодир Жўраев,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

Таъкидлаш жоизки, ушбу амалиёт гарчи биз учун янгилик бўлса-да, дунё тарихида илк марта қўлланилаётган тажриба эмас.

Айрим давлатларда «баражли нархлар», бошқаларида «прогрессив нархлар» деб номланадиган бундай тизим АҚШнинг баъзи штатларида, Канада, Германия, Франция, Япония, Жанубий Корея каби давлатларда турлича шаклда қўлланилади.

Бизда эса ҳозир электр энергиясидан кам фойдаланган ҳам, кўп фойдаланган ҳам бир хил нархда тўлаб келмоқда. Ваҳоланки, баъзи истеъмолчилар бошқаларга нисбатан ўнлаб марта кўп энергия сарф қилишади. Бу асло адолатдан эмас.

Дейлик, мен электр энергиясидан ўз эҳтиёжимга мос равишда тежаб-тергаб фойдалансам-да, кўшим керак-нокерак – аямай сарфлайверади. Бу, албатта, давлат бюджетига катта юк бўлиб тушмоқда. Чунки ҳозирда энергия ресурслари аҳоли ва тадбиркорларга ўз таннархидан кўра анча арзон етказиб берилмоқда. Ўртадаги тафовут (яъни ишлаб чиқарилган ва аҳолига сотилаётган нархлар ўртасидаги фарқ) эса давлат бюджетидан қоплаб берилмоқда.

Иқтисодиёт ва молия вазирлигидан олинган маълумотларга қараганда, 2021 ва 2022 молия йилларида аҳолига етказиб берилган электр энергияси ва табиий газ нархларидаги тафовутни қоплаш учун 6 триллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилган. 2023 йилда эса ушбу мақсадлар учун 14 триллион сўм харажат қилинган. Ваҳоланки, йилдан-йилга ошиб бораётган ушбу маблағни янги мактаб ва боғчалар қуриш, шифохоналарни жиҳозлаш, йўлларни таъмирлаш каби дастурлар учун сарф қилиш мумкин эди.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, айти пайтда биз электр ёки газ тизимига нисбатан кундан-кунга ўсиб бораётган талабимизни эскирган ускуналар, трансформатор ва жиҳозлар ёрдамида қаноатлантира олмаимиз. Дунё мамлакатларида энг қиммат хизмат айнан газ, сув, электр узатиш тармоқлари хизмати улушига тўғри келади. Нима сабабдан? Чунки ўша давлатларда бу тизимлар давлат бюджети маблағлари ҳисобига фаолият юритмайди.

Умид қиламизки, таклиф этилаётган янги талаб ва меъёрлар истеъмолчиларни электр энергиясидан тежамкор ва унумли фойдаланишга ўргатади. Табақалашаётган тарифлар худуд-беҳудда истеъмолни камайтиришга ва ресурслардан самаралироқ фойдаланишга хизмат қилади.

ИСТИРОҲАТ БОҒЛАРИ



Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан «Абдулла Қодирий» ва «Дўстлик» («Бобур») боғларини реконструкция қилиш мақсадида BMP Smart Decision Management Ўзбекистон – Сингапур қўшма корхонасига 49 йил муддатга, ҳар бир истироҳат боғига камида 10 миллион АҚШ доллари миқдоридан инвестиция киритиш шарти билан ижарага бериб юборилганлиги ҳақидаги хабарлар, ижтимоий тармоқлар фойдаланувчилари ва жамоатчиликнинг турли муҳокамаларига сабаб бўлмоқда.

ХАЛҚНИКИ БЎЛИШИ КЕРАК!



Махсус масала юзасидан «Адолат» СДПнинг маҳаллий Кенгаш депутатларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан боғларда ўрганишлар олиб борилмоқда.

Партия ўрганишлари давомида ҳокимлик вакиллари боғлар худудини ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилганлигини билдириб, ҳар иккала боғ ер майдонида ҳам ҳокимлик розилигисиз қурилиш ишлари олиб борилмаслигини маълум қилди.

Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида «Адолат» СДП жамоатчилик муҳокамаларидан ўтказилганидан сўнг истироҳат боғларини ижарага бериш ҳамда ушбу ишларни очиқ ва ошқора амалга ошириш лозим деб ҳисоблайди. Бу жара-

ёнда халқ депутатлари Кенгашининг ҳам фикрини олиш мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, барча қурилиш ва реконструкция ишлари жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда ташкил этилиши, доимий жамоатчилик назоратда бўлиши ва албатта, дарахтларга зиён етказилмаслиги лозим.

Партия Тошкент шаҳар ҳокимлигини бу каби жамоатчилик учун муҳим масалаларда қарорлар қабул қилишдан олдин жамоатчилик фикрини ўрганиши ва инобатга олиш, барча ташкилий жараёнларни очиқ-ошқора амалга оширишга чақиради.

Депутатлар халқ орасида



Кейинги йилларда депутатлик институтига бўлган ишонч ортиб бормоқда. Халқ вакиллари жамоатчилик орасига кириб бориб, фуқароларни қўйнаётган муаммоларнинг ечимига йўл топтоқдалар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мавлуда Аҳдхамжонова ҳам жойлардаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда маҳалла фаоллари билан биргаликда иш олиб бормоқда. Бу жараёнда сайловчиларнинг муражаатлари эътиборсиз қолмапти.

Андижон туманидаги "Гумбаз" МФЙ, "Шодиёна" кўчаси, 5-уйда яшовчи Нишонбой Исаевнинг муражаоти депутатни маҳаллага бошлади. Фуқаронинг имконияти чекланган, турмуш ўртоғи ҳам ногирон. Шу сабаб яшаш хонадони таъмирталаб, моддий ёрдам кўрсатиш лозим. У шу масалада депутатга муражаат қилди.

Депутат М.Аҳдхамжонова аралашуви билан фуқаронинг муаммоси ечим топмоқда. Хонадонини таъмирлаш чоралари кўриляпти, унинг ўзи саломатлигини тиклаш учун шифохонага жойлаштирилди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Олтиной Мамирова ўз сайлов ҳудудидagi хонадонларда бўлиб, бу борада олиб борилаётган ишларни ўрганди. Тумандаги "Ёрқинлоқ", "Қашқар" ва "Кўрпа" МФЙларида томорқадан фойдаланишда ўзига хос мактаб яратилган. 150 дан ортиқ хонадонларда иссиқхона ташкил этилган, 75 та хонадон эгалари бодринг, помидор, булғор қалампир ва қарам кўчатлари етиштириш билан банд. Бунинг натижасида улар йил давомида тўрт мартаба ҳосил олиш билан бирга яхшигина даромад қилмоқдалар.

Халқ вакили тумандаги ўрганишларини "Абдуллабий" ва "Бешқарам" қишлоқларидан бошлади. Депутат бу ерда фуқаролар билан мулоқот ўтказиб, Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонунлар, жумладан, ер участкаларига бўлган мулк ва ижара ҳуқуқини эътироф этишга қаратилган қонуннинг мазмун-моҳиятини тушунтирди.

Шунингдек, қишлоқ аҳлини ўйлантириб келаётган масалалар юзасидан муражаатлар тингланди. Тегишли идора ва ташкилотлар вакилларининг иштироки ақсарият муаммоларни шу ернинг ўзида ҳал этишда туртки бўлди.

– Бу йил "Қашқар" маҳалласида яшовчилар ташаббус билан чиқди-



лар, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Олтиной Мамирова. – *Хонадонлар ва йўл четларидаги тоқлар остида полздорлар ташкил этилди. Бу ана шу ҳудудни обод қилиш баробарида оилаларга даромад келтирмоқда. Яна бир томони, бу маҳаллада ишсизлик муаммосининг ечим топишига хизмат қилмоқда.*

Депутат ўзаро мулоқот жараёнида мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳаёт ва меҳнат шaroитларини яхшилашга устувор аҳамият қаратилаётгани, таълим олиш, бизнесни бошлаш истагида юрган опа-сингилларимизга барча зарур шaroитлар, қўлайликлар яратилаётганини қайд этиб ўтди.

О.Мамирова халқ депутатлари Жалақудуқ туман Кенгаши депутати Т.Алибоева билан бирга "Дустлик" МФИда яшовчи Тошхон ая Мўминова хонадонига ҳам бўлиб, унинг яшаш шaroитлари билан яқиндан танишди.

Юзма-юз мулоқот давомида фуқаро кўп йиллардан бунён бетоблигини айтиб, ногиронлик аравачаси олишда кўмак сўради. Депутат ушбу муражаатни ўз нозоратида олиб, ижобий ҳал этишини билдирди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Дилшод Ҳамзаевнинг Ғузур туманидаги 28-, 51-умумтаълим мактаблари педагоглари, "Апарди", "Чаноқ", "Батош", "Меҳнатобод", шунингдек, Касби туманидаги "Муғлон", "Касби" маҳаллалари аҳолиси билан учрашувларида баъзи мутасадди раҳбар ва ходимларнинг ишларни тизимли равишда, ўз вақтида амалга оширмагани, масъулиятни ўзидан соқит қилиб, арз билан муражаат қилган фуқароларга нотўғри йўл кўрсатиб, "унга бор, бунга бор" қабиллада иш тутишгани аён бўлди. Депутат фуқаролар муражаат асосида аниқ чора тadbирлар белгилаб, унинг ижросини таъминлаш юзасидан мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Ғузур туманидаги "Чаноқ" МФЙ фуқароси Ҳабиба Жабборовна тикувчилик цехини очиб, уйда ўтирган 20 нафар хотин-қизларни иш билан банд қилган. Бундан ташқари, 15 нафар қишлоқ қизларига тикувчилик сир-асропларини ўргатмоқда. Депутат улар билан мулоқот қилиб, яқин тadbирдаги тadbиркорлик фаолияти билан шугулланишлари учун давлатимиз томонидан яратилаётган имконият ва имтиёзлар ҳақида ҳуқуқий тушунча берди.

Депутат аҳоли хонадонларида ҳам бўлиб, Сайхунбод тумани тажрибаси доирасида олиб борилаётган кенг қамровли ишлар билан яқиндан танишди. Бир нечта ўнлаб оилаларда аҳоли дастурхонини қишлоқ хўжалик маҳсулотларига тўкин қилиш учун етиштирилаётган деҳқончилик экинларини кўздан кечирди.

Депутат одамлар билан учрашувларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонунлар, жумладан, ер участкаларига бўлган мулк ва ижара ҳуқуқини эътироф этишга қаратилган қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида ҳам тушунча берди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Инна Коржикова Навоий шаҳри ва Кармана туманларида бўлиб, ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказди.

Депутат дастлаб Навоий шаҳридаги "Янги ариқ", "Истиклол", "Ҳаёт" маҳалла фуқаролар йигинларида ўтказилган учрашувларида маҳалланинг бугунги кундаги ҳаёти, муаммо ва камчиликлари билан яқиндан танишди. Хусусан, "Янги ариқ" МЧЖ раиси иссиқ сув қувури ёрилиб кетгани, маҳалла биносининг авария ҳолатига келиб қолгани, жамоат транспорти ўз йўналишида тўлиқ ишга тушмаётгани ҳақида кўйиниб гапирди.

"Истиклол" МФИда эса ирригация тизими бузилиб, оқова сув билан таъминланиш даражаси яхши эмаслиги сабабли аҳоли томорқа ерларидан самарали фойдаланиш имконияти бўлмапти, натижада экин экиш ва даракларни сўғоришда муаммолар юзага келмоқда. Шунингдек, марказлаштирилган каналлашдан фойдаланиш муаммоси ҳам маҳалла аҳлини ташвишга солмоқда.

"Ҳаёт" МФЙ фуқаролари фарзандларининг бўш вақтларини ўз турар-жойлари ҳудудидagi болалар майдончасида ўтказишларини орзу қилишади. Маҳаллада бундай майдонча йўқлиги сабабли болалар бошқа маҳалладаги ўйин майдончаларига боришга мажбур. Бундан ташқари, ҳар учала маҳаллада ҳам маиший чиқиндиларини олиб чиқиш масаласи муаммолигича қолиб кетмоқда.

Шунингдек, И.Коржикова ижтимоий соҳа объектиларида бўлиб, соҳадаги ютуқ ва камчиликлар билан танишди. Жумладан, Навоий вилояти қон қуйиш станциясида бўлиб, бош шифокор Барот Нормуродов билан суҳбатлашди ва станциядаги шарт-шaroитлар билан танишди. Ушбу станция донорлардан олинган қонни тўлиқ қайта ишлаш имконини берувчи энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар ва технологиялар билан жиҳозлангани эътиборга молик. Таъкидлаш жоизки, сўнгги пайтларда фуқароларимизнинг онгу шуури тубдан ўзгарди: улар ихтиёрий донорлар сафига қўшилиш орқали муҳтожларга ўз хоҳиши билан қон топишмоқда.

Партия ташаббуси билан ҳар йили икки мартаба "Бор меҳримиз сенга, болажон!" шиори остида беғарас донорлик акцияси ўтказилаётгани ҳам донорлар сафи кенгайишига хизмат қилаётганини мамнуният билан таъкидланди.

Б.Нормуродов таъкидлаганидек, станция ҳар куни 50 дан ортиқ одамни қабул қилади, бу эса қон фондиди тўлдириш имконини беради. Станция кеча-ю кундуз ишлайди, चुни исталган вақтда қайсибир беморда қонга эҳтиёж туғилиши ва инсон ҳаётини сақлаб қолиш зарурати пайдо бўлиши мумкин.

Сайловчилар станцияда хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш учун бинони капитал таъмирлаш ва катта ҳажмдаги ишларни бажарадиган мутахассисларни кўпайтириш лозимлиги бўйича депутатдан кўмак сўрашди.

Депутат Навоий вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Нурали Сафоев билан соҳанинг бугунги кундаги аҳоли ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари ҳақида суҳбатлашди.

Бугунги кунга келиб соҳада бир қатор ижобий ўзгаришлар қайд этилган. Хусусан, бир қатор шифохоналар очилиб, янги жиҳозлар харид қилинмоқда. Бироқ Соғлиқни сақлаш тизимига рақамлаштиришни жорий этишда қийинчиликлар юзага келмоқда, бу эса жадал ривожлантириш ва халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлаш зарурати мавжудлигини билдиради. Учрашувда фуқароларнинг тиббий сўрағаси зарурлиги ҳақида ҳам сўз борди. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимига амалга оширилаётган туб исплохотлар туфайли уни ривожлантириш ва такомиллаштириш учун барча саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётганини қайд этилди.

Шунингдек, депутат вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси ўринбосари Абдор Эркулов билан Навоий шаҳар шифохонасида бўлиб, бахтсиз ҳодиса туфайли 1-гурух ногирони бўлиб қолган бемор – Меҳрибоник уйининг ўқувчиси Олег Несновни бориб кўрди. Депутат унинг ногиронлик даражасини ҳисобга олиб, доимий тиббий даволаниши ва парвариш қилиниши учун шaroит яратилиши лозимлигини таъкидлади. Тўлиқ текширувдан ўтказилиб, тиббий ходимлар билан маслаҳатлашгандан сўнг, Олегни тегишли парвариш ва тиббий ёрдам, шунингдек, зарур реабилитация ва ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган ихтисослаштирилган тиббиёт муассасасига ётқишиш керак, деган хулосага келинди. Ушбу масала бўйича ҳозирги кунда зарурий чоралар кўрилмоқда.

Умуман олганда, депутат Инна Коржикованинг жойларда ўз сайловчилари билан ўтган мулоқотларида кўтарилган барча масалалар юзасидан тегишли соҳа вакиллари билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатилиб, уларни ҳал этишга қаратилган зарурий чора-тадбирлар кўрилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутати Қодир Жўраев ўзи сайланган Вобкент туманида бўлиб, фуқаролар билан учрашув ва мулоқотлар олиб борди.

Жумладан, туман ҳокимлиги биносида туман идора ва ташкилотлари билан бирга фуқароларнинг навбатдаги қабули ташкил қилинди. Қабул давомида 13 нафар фуқаронинг муражаатлари тингланди. Улар асосан уй-жой қуриш, ишга тиклаш, фарзанднинг контракт тўловини тўлаш, кўнчилик фермасида етиштирилган гўшт маҳсулотини реализация қилиш, ички йўллари таъмирлаш, солиқ масаласида қардорлиқнинг сабабларини аниқлаш ва бошқа масалаларда тегишли ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ ариза ва шикоятлардир.

Депутат Қодир Жўраев тумандаги "Хайрхуш" ва "Хайробод" МФЙларда истиқомат қилаётган мўътабар онахонлар – Гулсара опа ва Зулайхо опалар билан учрашиб, уларнинг ҳолидан хабар олди. Самимий мулоқот сўнггида муҳтарам онахонлар юртимиз тинчлиги ва барқарорлиги бардавом бўлишини тилаб, дуо қилдилар.

"Хайробод" МФЙ фаоллари билан бўлиб ўтган учрашувда маҳалла раиси О. Муродов маҳалла етилиги томонидан амалга оширилаётган ишлар, маҳаллада мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, хусусан, чет элдан қайтган меҳнат мигрантларини иш билан таъминлаётган корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берди.

"Хайробод" МФЙ ҳудудига ҳал қилиниши лозим бўлган бирламчи вазифалар сифатида "Миришкор" қишлоғида тарақдан бўлган 21 та қўлбола симёгочларни бетон устунларга алмаштириш ҳамда "Кумробод", "Хайробод" ва "Миришкор" қишлоқларида 300 та хўжаликларга ичимлик суви қувурини ўтказиш масалалари кўтарилди. Депутат ушбу муаммолар туман ҳокимлиги мутасаддилари билан бирга кўриб чиқилишини маълум қилди.

Депутат Қодир Жўраев туман Халқ қабулхонаси мудираси Л.Шарипова билан бирга "Шанба" МФЙ да маҳалла фаоллари билан учрашиб, уларнинг муаммо ва муражаатларини ўрганди. Маҳалла раиси Л. Ражабова давлатимиз томонидан қабул қилинган тегишли қарор асосида ёшлар ва ишсизларга 15-20 сотихдан ер берилаётгани, фуқаролардан шу пайтга қадар ер ажратишини сўраб 68 та ариза тушгани ва уларнинг 40 таси ижобий ҳал қилиниб, сўғориладиган заҳира ерлар ажратилгани ҳақида маълумот берди. Л.Ражабова МФЙнинг янги биноси қурилишини жадаллаштиришда амалий



ёрдам сўради. Депутат ушбу сўровни туман мутасаддилари билан маслаҳатлашиб, ижобий ҳал қилишини айтди.

Депутат Вобкент туманидаги 24-умумтаълим мактаби педагогик жамоаси билан учрашиб, уларга Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинаётган янги қонунлар, шунингдек, мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсати, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тожикистонга амалга оширган расмий ташрифи ҳақида маълумот берди. Педагоглар ўзларини қизиқтирган саволлар билан муражаат қилдилар ва ҳудуддаги айрим муаммолар, хусусан, мазкур МФЙ ҳудудига жойлашган Чашмаи Айюб мейморий обидасига олиб борувчи "Хайрхуш – Хайрабодча" автомобиль йўлининг 5 километрлик қисмини таъмирлаш масаласини кўтариб чиқдилар. Учрашув сўнггида мактабда таълим-тарбия жараёни самарадорлигини янада ошириш йўлида амалга оширилиши зарур бўлган долзарб вазифалар таҳлил қилинди.

Ушбу мактабнинг ўзида депутат 11-синф ўқувчилари учун маҳорат дарсини ташкил қилди ва савол-жавоблар тарзида ўтган қизиқарли дарс мобайнида мамлакатимиз таълим тизимидagi ўзгаришлар, хусусан, олий таълимдаги янгиликлар ҳақида маълумот берди ва мустақил ҳаёт бўсағасида турган йигит-қизларга оқ йўл тилади.

Депутат Халқ таълими бўлими мудираси М. Фармонов билан Вобкент тумани "Ширин" МФЙ ҳудудидagi янги мактабга таълим ташкилоти биноси қурилиши жараёни билан танишди ҳамда қурилиш ишларини сифатли бажариш, янги МТТни замонавий ўқу-қуроллари билан жиҳозлаш бўйича ўз тавсияларини берди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулбахор Саидғаниеванинг Фарғона вилояти Бағдод туманида аҳоли билан учрашувлари қизгин савол-жавоблар ва сайловчиларнинг фаоллиги остида ўтказилди.

Тумандаги "Қўштеғирмон" МФИда жойлашган 40-сонли умумий ўрта таълим мактабидa бўлиб ўтган учрашувда кейинги йилларда таълим соҳасида амалга оширилаётган изчил исплохотлар, қонунчиликдаги янгиликлар ҳақида маълумотлар берилди.

Бағдод тумани "Қўштеғирмон-1" ва "Қўштеғирмон-2" МФИда яшовчи аҳоли вакиллари билан ўтган мулоқотлар давомида фуқароларни ўйлантириб келаётган масалалар ўрганилди ва тегишли идора вакиллари билан уларга ижобий ечим изланди.

Маълум бўлишича, мазкур маҳаллалар туман марказидан 16-18 километр олисда жойлашган. Аҳоли туман марказига бориб келишда транспорт тақчиллиги ва йўл ҳақининг қимматлигидан азият чекмоқда.

Депутат тумандаги аҳолига транспорт хизмати кўрсатувчи "Сохибтранс" МЧЖ вакиллари билан бирга ушбу муаммони тезкор ҳал этиш чораларини кўрди. Натижада маҳалла аҳолиси учун янги микроавтобуслар қатнови йўлга қўйилди. Йўл ҳақлари ҳам анча арзонлаштирилди.

Очиқ ва самимий мулоқотлар чоғида депутат аҳоли вакилларига қуйи палата томонидан қабул қилинган қонун лойиҳалари, жумладан, мулк ва ижара ҳуқуқини эътироф этишга қаратилган қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтирди.

«Адолат» СДП Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Фарғона ва Навоий вилоят кенгашлари матбуот хизматлари

ЭЪЛОН!

**Barcha tadbirkorlik
subyektlari
diqqatiga!**

O'zbekiston "Adolat" sotsial-demokratik partiyasi Markaziy apparati ish faoliyatida zarur bo'lgan quyidagi hujjatlarni tayyorlash va xarid qilish bo'yicha TANLOV E'LON QILADI:

№	Hujjat nomi	Soni
1	A'zolik guvohnomasi: o'lchami 70*100mm, qog'oz qalinligi 350 gr. karton, usti qismi yupqa laminatsiya, 2 taraflama rangli 4 kraskali bosma (4+4), dizayner xizmati bilan (lotin alifbosida)	300 000 dona
2	Partiyaga a'zolikka qabul qilish haqida ariza: A5, 1+1, 200 gr. matoviy. (lotin alifbosida)	300 000 dona

Eslatma! Jadvalda ko'rsatilgan mahsulotlar uchun tanlov joriy yilning 7-may kuni soat 15:00 da partiyaning Markaziy apparati binosida bo'lib o'tadi.
Tanlovda qatnashish istagini bildirgan tadbirkorlar taklif etilayotgan hujjat namunalari "Adolat" SDPdan olishlari mumkin. Tijorat takliflarida moddiy boyliklarni ishlab chiqarishning eng qisqa muddatlari ko'rsatilishi shart. Sifati talabga mos kelmagani va sifat komissiyasi qabul qilmagan mahsulotlar uchun hamda dizayn xizmati uchun (mazkur tanlov g'olibidan tashqari) pul to'lanmaydi.

Tanlovda ishtirok etishni istagan tadbirkorlar tijorat takliflarini "Adolat" SDP Markaziy apparati binosida joylashgan tanlov komissiyasiga joriy yilning 6-may kuni soat 18:00 gacha muhrlangan konvertlarda topshirilishi shart.

Moliyalashtirish manbai: byudjetdan tashqari mablag'lar, kelgusida mablag'larining sarflanishi bo'yicha Hisob palatasining tekshiruvi bo'lib o'tishi belgilangan.

Buyurtmachi tomonidan tayyorlanadigan hujjatlar soni o'zgarishi mumkin!

Tanlov vaqtida quyidagi da'vogarlar tanlov komissiyasi tomonidan takliflari ko'rib chiqilmaydi va ishtirok etishlariga yo'l quyilmaydi.

- qayta tashkil etish, tugatilish yoki bankrotlik bosqichida bo'lgan;

- barcha zarur hujjatlarni belgilangan muddatda taqdim etmagan;

- ilgari tuzilgan shartnoma (bitim)lar bo'yicha qabul qilingan majburiyatlarni zarur darajada bajarmagan;

- tanlov e'lon qilunguna qadar ta'sis etilganiga 6 oy bo'lmagan;

- buyurtmachi bilan sud yoki hakamlik muhokamasida ishi ko'rib chiqilayotgan.

Eslatma! Tijorat takliflari bilan birga tadbirkorlik subyekting davlat ro'yxatiga olinganligi haqidagi litsenziya yoki guvohnomalarini rahbar tomonidan tasdiqlanib, muhrlangan konvertga solingan yopiq holatda, tadbirkorlik subyekting yuridik manzili, telefon raqamlari ko'rsatilib, "Adolat" SDP Markaziy apparatiga taqdim etilishi shart. Tijorat takliflari konvertga solinib muhrlangan yopiq holatda taqdim etilmasa litsenziya yoki guvohnomalarini tadbirkorlik subyekti rahbari tomonidan tasdiqlanmasdan shuningdek, tadbirkorlik subyekting yuridik manzili, telefon raqamlari ko'rsatilmagan holda taqdim etilgan tijorat takliflari tanlov komissiyasiga kiritilmaydi.

Muqaddam sifatsiz mahsulotlarni yetkazib bergan va shartnomada belgilangan majburiyatlarni bajarmaganligi oqibatida "Buyurtmachi"larda yomon taassurot qoldirgan tadbirkorlar tanlov komissiyasiga kiritilmaydi.

Tanlovda g'olib deb topilgan tadbirkorlik subyekti shartnoma berishi shart.

Murojaat uchun: (71) 288 42 08 (111),
(93) 202 14 04,
(91) 265 93 96.

Komissiya kotibi:
K.MIRZABAYEV



БЕПУЛ ЮРИДИК ЁРДАМ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Маълумки, янги тахрирда қабул қилинган конституциямизда барчага бепул ҳуқуқий ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланди. Ҳуқуқий ёрдам соҳаси янада кенгайтирилиб, янги ислохотлар амалга оширилди. Тошкент давлат юридик университети қошида ўз фаолиятини олиб бораётган Юридик клиника раҳбари, **юридик фанлар доктори, профессор Отабек НАРЗИЕВ** билан шу мавзуда суҳбатлашдик.

— Юридик клиника фаолияти ҳақида маълумот берсангиз.

— Тошкент давлат юридик университети Юридик клиникаси фаолияти уч асосий мақсадга йўналтирилган. Биринчидан, талабаларда амалий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш; иккинчидан, аҳолининг муаммоларини ўрганиш ва уларга бепул ҳуқуқий ёрдам бериш; учинчидан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ривожлантиришга ҳисса қўлиши. Бу мақсадларга ҳуқуқий тарғибот, ҳуқуқий ахборотни тарқатиш, сайёр қабуллар ташкил этиш ҳамда аҳолига бевосита ва он-лайн ҳуқуқий ёрдам бериш орқали эришамиз. Бугунги кунда Юридик клиникамизда университетимизнинг 200 дан ортик талабалари амалиёт ўташади. Уларнинг фаолият тартиби он-лайн ва офлайн тартибда йўлга қўйилган. Офлайн тарзда фаолият юритувчи талабалар ҳафтага камида икки марта 3 соатдан наватчилик қилиши тартиби жорий этилган. Талабалар амалиёт давомида ўз муаммоси билан келган фуқароларни қабул қилишади, уларнинг муаммоларини ўрганиб, профессор-ўқитувчилар назорати остида ҳуқуқий маслаҳат беришади. Зарурат бўлган тақдирда ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳасини тайёрлаб беради. Бундан ташқари биз ижтимоий тармоқдаги саҳифаларимиз ва телеграм тармоғидagi ботимиз орқали 24/7 режимида фуқароларнинг мурожаатларини қабул қиламиз. Бу мурожаатлар бизнинг талабалар томонидан 6 та бўлимга бўлинган ҳолда ўрганиб чиқилади. Булар: фуқаролик ҳуқуқи бўлими, оила ҳуқуқи бўлими, меҳнат ҳуқуқи бўлими, жиноят ҳуқуқи бўлими, уй-жой ҳуқуқи бўлими ва бошқа масалалар бўлимидан иборат.

— Юридик клиника айна ҳуқуқий ёрдам соҳасида бошқа ташкилотлар билан ҳам ҳамкорлик олиб борадими?

— Албатта. Биз Адлия вазирлиги, «Мадад» ННТ, «Юксалиш» ҳаракати, Ўзбекистон волонтерлар ассоциацияси ва шу каби бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Бунда биз биргаликда сайёр қабуллар ҳамда фуқароларга бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш акцияларини амалга оширамиз. Бундай ҳолларда бизнинг талабалар ва ўқитувчиларимиз белгиланган манзилларга бориб, маҳаллаларда аҳолининг ҳуқуқий саволларига жавоб беришади ва уларни қонунчиликдаги янгиликлардан хабардор қилишади. Бундан ташқари Юридик клиникамиз доирасида «Street law» лойиҳаси йўлга қўйилган. Ушбу лойиҳа ёшлар томонидан ёшларга ҳуқуқни интерактив усулларда ўргатиш орқали уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш мақсадида жорий этилган. Бу лойиҳа бугунги кунда бутун республика миқёсида 200 га яқин мактабларда амалга оширилмоқда. Лойиҳада талабаларимиз мактабларнинг юқори синф ўқувчиларига бириктирилган устозлар ёрдамида ҳуқуқни содда тилда интерактив усуллар ёрдамида тушултириб, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга хизмат қилиб келишмоқда.

— Бугунги кунда Юридик клиникага таширф буюраётган фуқаролар энг кўп қайси масалалар бўйича мурожаат этишмоқда?

— Бизга фуқаролар асосан уй-жой, меросни тақсимлаш, қарз шартномасидан келиб чиқадиган низолар, кредит, субсидия ажратилиши, алимент ундириш, эр-хотиннинг умумий мулкни тақсимлаш масалалари ва истеъмолчилар ҳуқуқларининг бузилиши масалалари бўйича мурожаат қилишади. Жиноят, ҳуқуқбузарлик масалаларида мурожаатлар кам. Охириги кунларда фуқаролар орасида фирибгарлик ҳолатлари юзасидан низолар вужудга келиш

ҳолатлари кўпайди. Ҳаммамизга маълумки, сўнги вақтларда киберфирибгарлик тобора оммалашиб бормоқда ва бу масала ҳам фуқароларимизнинг долзарб муаммоларидан бирига айланди.

— Фуқароларнинг ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ЁЗИБ БЕРИЛГАНДАН СЎНГ, КЛИНИКА ВОЛОНТЕРЛАРИ СУДДА ИШТИРОК ЭТА ОЛАДИЛАРМИ?

— Юридик клиникамизда кўрсатиладиган ёрдам асосан уч турга бўлинади: ҳуқуқий маслаҳат бериш, ҳуқуқий ахборот бериш ва ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳасини тайёрлаб бериш. Вакиллик айнан Юридик клиника номидан амалга оширилиши мумкин эмас. Бу ҳолат бизнинг низоимизга назарда тутилмаган. Бу шунинг асосида, агар талабалар судда вакил сифатида иштирок этсалар, уларнинг елкасига катта масъулият юкланар эди. Шунга қарамадан, биз яқинда бир тажрибани йўлга қўйдик. Олий суд билан бирга имзолаган меморандумга асосан талабаларимиз бир неча суд мажлисларида кузатувчи сифатида иштирок этишди. Бунда улар ўзлари аризани ёзиб, ўзлари ўрганган иш бўйича Шайхонтоҳур туманлараро фуқаролик судида, Миробод туманлараро фуқаролик судларига кузатувчи сифатида қатнашишди. Бундан ташқари, оддий фуқаро сифатида умумий қоида бўйича судда ишончли вакил сифатида иштирок этиш учун ҳеч қандай чеклов йўқ. Бу ерда у Юридик клиника номидан эмас, жисмоний шахс сифатида қатнашиши керак бўлади.

— Юридик клиника фаолиятини ривожлантиришдаги кейинги режалар қандай?

— Юридик клиника ўтган 24 йил давомида жуда катта тажрибига эга бўлди. Бизнинг биринчи навбатда қиладиган ишимиз бошқа ҳуқуқшунослик факультетлари мавжуд бўлган олий ўқув юртларида ушбу тажрибани тарғиб қилиш ва ўша университет талабаларини ҳам бу ишга жалб қилишдир. Яқинда Андижон давлат университетига ҳам Юридик клиника ташкил этилди ва у ернинг талабалари учун 2 кунлик семинар тренинг ўтиб берилди. Бундан ташқари, ўтган йили Термиз давлат университетига, ундан аввал эса Наманган давлат университетига

ҳам юридик клиникалар ташкил этилган ва биз бевосита ўша университетлар юридик клиникаси волонтер талабалари амалиётини самарали ташкил этишга ёрдам бердик. Бугунги кунда эса Самарқанд ва Нукус давлат университетларининг ҳуқуқшунослик факультетларида шундай тажрибани йўлга қўйишда ёрдам ва кўрсатмалар берилмоқда. Кейинги мақсад эса халқаро миқёсда ҳамкорликни йўлга қўйиш. Шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки, сўнги икки-уч йил ичида халқаро миқёсда ҳам анча ютуқларга эришдик. Талабаларимиз мижозларни қабул қилиш бўйича халқаро мусобақада иштирок этишди. Ушбу мусобақада бу йил ҳам иштирок этиш режамизда бор. Халқаро миқёсда хорижий университетлардаги юридик клиникалар билан мустақам алоқаларни ўрнатиш, бу орқали талабаларимизнинг халқаро ҳуқуқ мактаблари талабалари билан мулоқотини яхшилаш ва ҳамкорликда семинарлар, конференциялар, тренинглар ташкил этиш йўли билан тажриба алмашишга эришишга ҳаракат қилаямиз.

Бундан ташқари, биз яна бир янги лойиҳани бошлаш арафасидамыз. Бу лойиҳа талабалар томонидан профессор-ўқитувчи назорати остида суд қарорларини тизимли таҳлил қилишни назарда тутди. Кейинги ўқув йилидан бошлаб суд қарорларини таҳлил қилишни талабаларимизга ўргатиш орқали уларда амалий ва таҳлилий кўникмаларни шакллантиришни режа қилганмиз. Режаларимиздаги яна бир лойиҳа бизга келиб тушаётган мурожаатларнинг таҳлилий натижасида қонунчилигимизни ривожлантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкин, юқоридаги каби юридик клиникаларнинг мавжудлиги ҳамда улар фаолиятининг тобора кенгаётгани юртимизда ҳуқуқий ёрдам соҳасининг ривожланиб бораётганилиги ҳамда янги тахрирда қабул қилинган конституциямизда кафолатланган барчага бепул ҳуқуқий ёрдам олиш ҳуқуқининг амалда таъминланётганининг ёрқин мисолидир.

ТДЮУ 1-босқич талабаси
Ширин САЛОҲИДДИНОВА
суҳбатлашди

23 апрель – Бутунжаҳон китоб ва муаллифлик ҳуқуқи куни

ҲАР ИШНИНГ ЎЗ ҚОНУН-ҚОИДАСИ БОР

Ҳаётда инсоннинг саноклигига дўсти бўлади. Уларнинг орасида китобдек беминнат, садокатли, тўғри йўл кўрсатувчи дўст йўқ. Китоб бизни тушқунликдан олиб чиқувчи, тақдир зарбаларига, ҳаёт синовларига бардошли этиб тарбияловчи восита ҳамдир.

Малика ТОЛИПОВА,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази масъул ходими

Албатта, китоб ва китобхонлик аҳамиятини тўла ифода қила олмасак керак. Аммо таъкидлаш жоизки, инсоннинг китобхонлиги ҳаётининг муҳим қисми бўлади. Китобнинг ҳаётимиздаги

тобга бўлган меҳри, энг аввало, оилада пайдо уйғонади. Яъни ота-онанинг китоб, газета-журнал ўқиши фарзандларни безътибор қолдирмайди. Бора-бора уларда турли саволларни пайдо қилади. Ёки ота-она ўзи ўқийётган нарсанинг мазмунини, ибратли жиҳатларини жигарбандига сўзлаб берса, уни қизиқтирса, кейинчалик бола ҳам китоб ўқийдиган бўлади. Улуғларимиз "Боланинг олдида китобни очиб қолдиринг", дея бежиз айтишмаган.

Бугунги кунда кундалик ҳаётимизда "муаллифлик ҳуқуқи" деган тushuncha тез-тез учраяпти. Ҳўш, нима учун?
Бизнингча, муаллифлик ҳуқуқини бузаётган, янада аниқроғи, уни тан

олмаётган "уддабурон" ҳамюртларимиз туфайли бу муаммога дуч келяпмиз. Масалан, шоирнинг китобидан ўрин олган қайсидир шеърини умуман танимаган-билмаган ёш хонанда ўзини "оранжировиш" деб атайдиган, турли хорижий ва эстрада мусикаларидан бир шингилдан ўйинлаб, янги куй яратадиган ҳамкорлари ёрдамида берухсат қўшиқ қиялпти. Қачондир бундан хабар топган шеър

муаллифи эса ёзган мисралари алламало куйга солинганини эшитиб, ёқа ушлайди. Оқибатда иш судгача етиб бораётган ҳолатлар ҳам юз бермоқда.
Бундан ташқари, орамизда қайсидир хорижий адабиётлардан, манбаалардан кўчириб, қўлланма-китоб ёзаётган "муаллиф"лар ҳам йўқ эмас. Бундай қўлланма ёки рисоаларни ўқиб, муаллифининг нақадар кўп тер тўққанига, тинимсиз изланишлар олиб борганига тасаннолар айтгингиз келади. Асл ҳақиқатдан воқиф бўлганингиздан кейин эса тарвузингиз қўлтигингиздан тушади.
Тўғри, хоҳ китоб ҳолида, хоҳ ижтимоий тармоқда бўлсин, эълон қилинган ижод махсули омманки. Ундан хоҳлаган одам фойдаланиши мумкин, аммо муаллифининг розилигини олиб ёхуд унинг исм-шарифини кўрсатиш ёки манбасини кўрсатиш лозим. Шундангина ортиқча дилхиралаikka ўрин қолмайди, муаллифлик ҳуқуқи ҳам поймол бўлмайди. Зеро, ҳар ишнинг ўз қонун-қоидаси бор.



Ташрифдан сўнг

“ҚУМТЕПА” да



янги иш ўринлари яратилмоқда

Президент Шавкат Мирзиёев Наманган вилоятига қилган ташрифи чоғида Уйчи туманининг “Қумтепа” маҳалласидаги бир қатор тадбиркорлик субъектлари қатори бир марталик ишчи қўлқоплар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган “Экселлент тайлес” қўшма корхонасида ҳам бўлиб, корхона фаолиятини янада кенгайтириш ва қўшимча ишчи ўринлари яратиш бўйича тошширик берган эди.

Ғолибжон БОБОЕВ, “Адолат” СДП Наманган вилоят кенгаши ижрочи котиби

Мазкур тошширикни амалга ошириш мақсадида туман ҳокими Шухратжон Мусаев ишчи гуруҳ билан биргаликда жамият фаолиятини янада кенгайтириш ва қўшимча ишчи ўринларини яратиш бўйича истиқболдаги режаларни ўрганиб чиқди. Жараёнда корхона таъсисчиси, халқ депутатлари туман кенгаши депутати Раҳмонберди Исмоилов кўзда тутилган мақсадлар ҳақида батафсил маълумотлар берди. 2023

йилнинг айна баҳор фаслида ўз фаолиятини бошлаган корхона Россия Федерациясидаги харидорлар билан шартнома тузган ҳолда дастлабки маҳсулотини ишлаб чиқара бошлаган эди. Йил охирига қадар 400 минг жуфтдан зиёд ишчи қўлқоп ишлаб чиқарилиб, 200 минг АҚШ доллар миқдоридagi маҳсулот экспорти амалга оширилган. Айна кунда корхонада 60 нафар ишчи бор. Шундан 30 нафари касаначилик асосида фаолият юритади.

– Ишлаб чиқарётган маҳсулотимизга бўлган талабнинг юқори эканини ҳисобга олган ҳолда қўшимча ишчи ўринлари яратиш режаси амалга оширилмоқда, – деди суҳбат чоғида Раҳмонберди Исмоилов. – Айна пайтда Янгиқўрғон туманида иккита филиал ташкил этганмиз. Президент томонидан берилган тошширикка асосан корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини янада ошириш мақсадида яна юз нафар ишчи ўрни яратишимиз керак бўлади.

Дарҳақиқат, партиямиз фаолларидан бири, туман депутатлик гуруҳи етакчиси, қалби ғайрат-шижоатга тўлиб-тошган Раҳмонберди Исмоилов таъсис этган корхона тез орада саноат бозорида ўз ўрнини топиб олди. Энг муҳими, маҳаллаларда беқор утирган аёллар ишли бўлди. Истиқболдаги режалар бўйича 18 ёшдан 45 ёшгача бўлган эркаклар, хотин-қизлар конструкторлик, тикувчилик, сифат назоратчиси йўналишлари бўйича ишга қабул қилиш кўзда тутилган. Айна пайтда корхонадаги ишчи-хизматчилар учун барча шароитлар яратилган.

Хотира



ЭЛ ХИЗМАТИГА БАХШИДА УМР

Хотира — инсон вафотидан кейинги умр дейишади. Шу бонс ҳар бир инсон ҳаёти давомида ўзидан яхши ном, эзгу амаллар билан безатилган ибратли бир хотира қолдиришга интилади. Бироқ, бу шундай захматли йўл, улкан сабр-бардош эгаларининг машаққат ва меҳнатга бахшида умрлари эъзизига мақсадларига етадилар. Ана шундай шонли, шарафли ва эзгу амалларга тўла ибратли хотира эгаларидан бири – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, тиббиёт фанлари доктори, профессор, “Адолат” социал-демократик партиясининг жонқуяр, фидойи ташаббускорлари Турғунпўлат Даминовдир.

Гулбахор ҚОБУЛОВА, “Адолат” СДП Матбуот хизмати бош мутахассиси

Турғунпўлат Даминов 1996 йилдан 2005 йилгача “Адолат” социал-демократик партияси Сийёсий Кенгашининг биринчи котиби лавозимида, шунингдек, Олий Мажлис депутати сифатида самарали фаолият олиб борган. Академик Турғунпўлат Даминовнинг мамлакат илм-фанини ривожлантириш йўлидаги хизматлари ҳукумат томонидан муносиб эътироф этилган. У “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган шифокор” фахрий унвони, “Дўстлик” ва “Эл-юрт хурмати” орденлари билан мукофотланган.

Устознинг мамлакатимиз тиббиёт соҳасига қўшган ҳиссаси бемисл. Заҳматқаш олим ўзининг қарийб 60 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида Тошкент давлат тиббиёт институти доценти, кафедра мудири, ректори (1990–2005 йй.), Тошкент педиатрия илмий-текшириш институти директори (1983–1990 йй.) лавозимларида самарали меҳнат қилди. Тошкент тиббиёт академиясида ёшларга сабоқ бериб, юқори малакали кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшди. Илмий фаолияти давомида индукторларни болалар касалликларига татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратди.

Олимнинг кўп йиллик изланишлари натижасида янги турдаги бензонал индуктор амалиётда қўллана бошланди. Натижада ўткир ва давомли гепатит касаллигининг сурункали шаклига ўтмаслигини таъминлаб берадиган асосий препарат даволаш жараёнига самарали жорий этилди. Фаолияти давомида 6 та дарслик, 14 та монография, 45 дан зиёд илмий-услубий қўлланма ва тавсияномалар, юзлаб мақолалар муаллифи бўлган Турғунпўлат Даминов 21 та фан доктори ва 45 га яқин фан номзодларига илмий раҳбарлик қилган илм-фан фидойиси эди. У 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги унвонига сазовор бўлган.

– 2004 йилда “Адолат” социал-демократик партиясининг навбатдаги Қурултойида делегат сифатида иштирок этганман, – дейди “Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдукамол Раҳмонов. – Турғунпўлат Даминов раҳбарлик қилаётган Тошкент тиббиёт институтида бўлиб ўтган мазкур қурултойда устоз билан танишиш бахтига муяссар бўлганман. Биринчи учрашувнинг ўзидеёқ у кишида раҳбар эга бўлиши лозим бўлган барча сифатлар жам эканлигига гувоҳ бўлганман. Устозда фидокорлик, жонқуярлик, шижоат, ғайрат, одамларни рози қилиш, уларга ғамхўрлик, меҳрибонлик кўрсата олиш қобилиятларининг ҳаммаси мужассам эди. “Адолат” СДП депутати этиб сайланганидан сўнг, партия сафида фаолият олиб борувчи ҳамкасбларим қатори Турғунпўлат акадан жуда кўп нарсаларни ўргандим. Устоз эл-юрт, халқ дардини қалбдан ҳис этадиган, энг асосийси, партия даргоҳига кўмак истаб келган фуқаролар муаммоларини катта-кичикка ажратмайдиган, барчага бирдек ёрдам қўлини чўзадиган чинакам халқпарвар инсон эди. Турғунпўлат Даминовнинг тиббиёт соҳасидаги биллими, изланиш ва тажрибалари “Адолат” социал-демократик партияси Сайловолди дастурини ёзиш жараёнларида бебаҳо манба вазифасини ўтаган. Турғунпўлат ака нафақат партияга раҳбарлик қилган кезларда, балки кейинги йилларда ҳам партия ҳаётига дахлдор масалаларнинг ҳеч бирини эътиборсиз қолдирмади. Партия фахрийлар кенгаши аъзоси сифатида “Адолат” СДПнинг муҳим сийёсий жараёнларида, Пленум ва Қурултойларида мунтазам равишда иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, Турғунпўлат Даминов чин маънада “Адолат” жонқуяри эди.

Тошкент тиббиёт академиясида тиббиёт ривожига салмоқли ҳисса қўшган академик ёки профессорлар ҳафталигини ўтказиш анъана тусига кирган. Жорий йилнинг апрель ойи муассасада Турғунпўлат Даминов ҳафталиги сифатида кенг нишонланмоқда. Т. Даминов қолдирган улкан илмий мерос тиббиёт оламининг қимматбаҳо манбаи сифатида нафақат кечаги кун, балки бугун ва келажак тиббиёти ривожига йўлида хизмат қилади, албатта.

Турғунпўлат Даминов 82 йиллик умр йўли давомида дилқас дўст, яхши устоз, меҳрибон мураббий, талабчан раҳбар, етук олим ва мамлакат сийёсий давраси фаоли сифатида барчага бирдек ибрат бўларли даражада ёрқин хотира қолдирди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Турғунпўлат Даминов оила аъзолари, дўстлари, илм-фан арбоблари, ҳамкасблари қатори ташаббускор, эл-юрт дардида ёниб яшовчи кучли сийёсий етакчи сифатида “адолатчи”лар қалбида ҳам абадий барҳаётдир.

Қорақалпоғистон Республикаси
Кенгаши матбуот хизмати

“Адолат” СДП аъзолари “Оналар боғи” яратишди

Иқлим ўзгариши – кенг тарқалаётган, жадал ва тезлашиб бораётган жараён. Юртимизда иқлим ўзгариши ва Орол денгизи билан боғлиқ экологик муаммолар сўнгги йилларда об-ҳаво ўзгаришига, инсонларда турли хил тери касалликлар ва бошқа бир қатор муаммоларга сабаб бўлмоқда. Вужудга келган муаммоларни ҳал қилишнинг энг самарали усулларида бири атрофимизда яшил макон яратиш ҳисобланади.



Ўлкамининг ер ва сув шароитига мос қўчатларни экиш ва парваришлаш каби бир қатор масалалар бугунги кунда ҳар бир замондошимиз учун муҳим ва долзарб масалага айланди. Президентимиз ташаббуси билан бошланган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси ҳам қисқа муддат ичида республикамиз бўйлаб кенг тарқалди. Лойиҳада қатнашишни ўзининг инсонийлик вазифаси деб билган ҳар бир ватандошимиз юртимизни яшил маконга айлантиришга киришиб кетди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси бошлиғи Зухра Ибрагимова бошчилигидаги партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси ва Эллиқалъа туман Кенгаши фаоллари томонидан Навоий

овул фуқаролар йиғини ҳудудига олиб борилган қўчат экиш ишлари фикримизнинг далилидир. Қўқаламзорлаштириш ишларида партия депутатлари ва вакиллари билан бир қаторда туман хотин-қизлар кўмитаси фаоллари ҳам қатнашишди. Ақция доирасида «Рейимберди Зайниддин» фермер хўжалигида умумий майдони 5 гектар бўлган «Оналар боғи» яратилиб, унда 20дан зиёд ёши улғу онахонлар ва партия фаоллари миндан зиёд мевали дарахт қўчатларини экишди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан жойларда бундай тадбирлар давом этмоқда.




Келажакка дахлдор масала

– Мамлакатимизда давом этаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида қашқадарёликлар ҳам фаол иштирок этмоқда, – дейди “Адолат” СДП вилоят кенгаши раиси Руиддин Раупов. – Яққабог туманидаги 10 та маҳаллада “Адолат боғи” барпо этилди. Энг эътиборлиси, “адолатчилар” ташаббуси билан 5 гектар ер майдонига 5 мингта турли хил наводаги мевали қўчатлар экилди. Туманда яна 3 минг туп мевали ва манзарали дарахтлар экилиши мўлжалланмоқда. Юртимиз бўйлаб қизгин давом этаётган мазкур умуммиллий лойиҳада ёшу кекса бирдек фаол иштирок этмоқда. Жумладан, “Адолат” СДП вилоят кенгаши раиси “Юртимизда 10 туп дарахт – менинг туҳфам” лойиҳаси доирасида Қарши шаҳридаги Кўзи ожизлар махсус мактаб-интернати ҳовлисига қўчат ўтқаздилар. “Ҳар бир болажон қалбига нафосат, меҳр улашиб” лойиҳаси доирасида эса партиядошларимиз саъй-ҳаракати билан “Адолат боғи” ташкил этилди. Воҳада “Яшил макон” лойиҳаси доирасида 10 миллион туп мевали ва манзарали дарахт қўчатлари экиш давом этмоқда.

Қашқадарё вилоят кенгаши матбуот хизмати

"Мен бир чинор бўлсам, ўзинг ниҳолим..."



Шоир афгон урушида худди ўз жигаридан, фарзандидан айрилгандай ҳижрон, йўқотиш дардини бутун вуқуди билан юракдан ҳис қилади, оғриқларни ўз танасидан, қалбидан ўтказиб, бир-бир элайди:

**Фарзанд доғи куйиради куйган сари,
Дийдалари кўз ўзиндан кетмай нари,
Оназорин тилаб олган болалари,
Афгон қирларига қолган баҳодирлар.**

Устоз Ҳалима Худойбердиеванинг шоир ҳақида битган шундай эътирофи бор: "Муҳаммадҷон Мустақилликнинг илк аёзли кунларидан биринчи бўлиб майдонга тушди. Ва жондан севган халқи мустақил бўлган даврни ўзининг энг бахтли даври, деб билди. У жадидчи боболаримизнинг мақсадларини ўзининг мақсади, деб билди. Ўтмишдаги оғир кунлар шурига чуқур ўрнашди. Изтироб чекди.

Уш воқеаларда халқларевар шоир Шавкат Раҳмон билан бевоосита иштирок этиб, икки қардош халқнинг ҳимоясига отланганлар. Юқори идораларга муражаат этганлар. Мен бу воқеаларга зувуоқ бўлганман".

Мана, нима эди шоир қалбидаги улкан оғриқ, битмас-туганмас дард! У ватани, ундаги содда, хокисоргина одамлар ташвиши билан яшади. Унинг биронта шёъри шунчаки ёзилмаган, қайси мавзуга қўл урмасин, аввало, уни юракдан ҳис қилиб ёзар эди. Шундай қуюнчак, бегубор қалб эгаси эди у.

— Шоир қизларини жон қадар яхши кўраганлиги аён. **Билмазми, баъзи оталар тўнғич икки фарзанди қиз туғилса, нолий бошлашади, ҳатто "ажрашаман"га тушган ношукрлар қанча! Муҳаммад Юсуф бирон марта бўлса ҳам ўғил фарзанди бўлишини орзу қилишини айтмаганми?**

— Йўқ! Асло! Аксинча, мен кенжа қизимиз дунёга келганида сал ўксиганман, чунки ўғил кутгандим-да! Барча оналар ҳам ўғли, ҳам қизи бўлишини орзу қилиши рост. Бунинг устига ҳар бир аёл турмуш ўртоғига ўғил фарзанд ҳадя қилишни хоҳлайди. Аммо бу ота ёки онанинг хоҳиши билан эмас, Аллоҳнинг изми билан бўлади. Муҳаммад ака буни яхши тушунарди, чамамда, шунинг учун ўғилми, қизми — бунинг фарқи йўқдек эди. Менинг бирозгина хафа бўлганимни сезгандек, туғруқхонага хат киризган. Унда шундай сатрлар бор эди: "Нозикон, менга пайғамбарлар бахтини ато этдингиз. Сизга раҳмат! Отини Мадина қўймоқчиман!" Ҳатто "Мана қандай экан оталик бахти" деб бошланадиган "Туғруқхонада" деган шёър ҳам ёзганди:

**...Ҳамира имлайди: келинг яқинроқ,
Ана у, ўғилми-қизми билмайман...
Ойнадан термулиб сочинг слайман,
Юзингдан упанам доқадек отпоқ.**

Кейин жим кетаман исмлар озаб,
Тақдирингни ўйлаб йўқор ирраб,
Майли ўғилмисан-қизми бари бир,
Юлдузинг ёруғи менинг давомим?..

Вақт бетизгин, тез ўтиб бораверади. Қизларимиз ҳам улғайиши. Тўнғичимиз Маъсудани кўнгли қувончга, кўзлари ёшга тўлиб, келинлик либосида ўзлари оқ фотиха бериб узатди. Мен Андижонда юрганамда Маъсуданинг кўзи ёрийдиган бўлиб қолган-у, бу хабарни эшитган Муҳаммад ака туғруқхонага кечқурун етиб борган ва тонгга, то бола дунёга келгунча туғруқхона ховлисида ўтириб чиққан. Қудаларимизнинг айтишича, бутун туғруқхонадагилар "Муҳаммад Юсуф келибди", деб, шоирни кўришга чиқишган экан. Қудалар, "чақалоқнинг исмини сиз қўйиб берасиз", дейишганда хурсанд бўлиб, ўзлари орзу қилгандай Билол деб исм қўйган, унга атаб шёър ҳам битган:

**Кечаю кундузи сенда ҳайлим,
Умрим ўртасида топан зилолим.
Отанга арзанда ўғил бўл, лекин
Биллиб қўй, сен асли менинг Билолим.**

Шоир ўғил неварасини узоқ кутганини таърифлаб, унга гўёки чинорнинг ниҳоли каби таъриф беради:

**Биллиб қўй, ортимда қалар изим сен,
Жонимса малҳамим, ширин сўзим сен.
Коранайиз болам, менинг ўзим — сен,
Мен бир чинор бўлсам, ўзинг ниҳолим.**

Икки ўғил, тўрт қиз неварамиз бор. Нозима қизимизнинг ўғли Муҳаммаддислом неварамиз ҳозир ўн уч ёшда, жуда зехли, араб тилига қизиқади, яна математикани яхши кўради, спорт жони-дилди. Бобосининг шёърларини севиб мутолаа қилади. Қиз невараларимиз ҳам бири-бирдан истеъдодли бўлишади, деб умид қиламан.

— Назира опа, истеъдод наслдан наслга ўтадими ёки Яратган уни ҳар бир инсоннинг ўзигагина инъом этадими? Фарзандларингизда, шоир умри давомчиларида унинг қайси фазилатлари акс этади?

— Истеъдоднинг наслдан ўтиши ҳам бор гап, деб ўйлайман. Фақат зурриётларининг қай бирига бу бахт насиб этишини ҳеч ким билмайди. Мадина қизимда адабиётга, шёъриятга қизиқиш, ижодга ташналик борлигини сездим. Унинг бу истеъдодини сезганимда дунёда мендан бахтли одам бўлмаган бўлса керак. Ваҳоланки, отаси олдинроқ пайқаган эканлар. Уларнинг ҳам қувончи кексиз эди. Қизим отасининг вафотидан кейин жон билан жиддийроқ шуғуллана бошлади. Шейлан жондан куй чиқади, деганлари рост экан. Қизим тақдирнинг меҳрибон отасидан айриришдек синовларни бошига солиши, юрагини ёндираётган соғинч ва ҳижрон азабларини оқ қозоғга тўши туфайлигина енга олди.

**Ҳар нафас келтирар Отам сасини,
Хар гийё эслатар хуш нафасини.
Туңлар оромини кўрар юлдузини,
Муҳаммад Юсуфнинг Мадинасини.**

Раҳмат сенга халқим, минг бор ташаккур,
Сен бор-ки, қўйлиб келар шукух, шаъи.
Халл битта дуруст шёър ёзмай туриб,
Шоирнинг қизи деб сийласан Ватан!..

Қизим Мадина Муҳаммаднинг ижодга муҳаббатини англаб, юрагим анча ёришгандек, дардларим енгиллашгандек бўлди. Яратган, ҳаёт менга: "Мана, уша улкан муҳаббат дарахтидан ўсаётган

ниҳолларга боқ!" дейётгандай кўнглимга далда берди.

Бунинг устига мени қувонтирган нарса шу бўлдики, унинг ижоди отасиникидан мутлақо фарқ қиларди, яъни тақлид эмас эди. Муҳаммад аканинг ёш ижодкорларга насиҳатларини кўп эшитганман ва ўқиганман: "Ёш шоир ўз йўлини топиб олгунча тақлид қилиши табиий. Лекин унинг сояси бўлиб қолмаслиги керак".

Мадинамни кўрсам Муҳаммад акамни кўргандек бўламан. Чунки қизим қўйиб қўйгандек отасига ўхшайди. Шу билан бирга, қизимнинг феъл-атворидаги қатъият, ғурур, айни пайтда кўнгличанлик, камтарлик ҳам отасидан ўтган. Бошқа қизларимда кўпроқ отасининг соддалиги, таваккалчилигини кўраман. Аммо учаласи ҳам отасидек кўнгли ҳам, қўли ҳам очик.

— **Муҳаммад Юсуф ижодида севаги, меҳр, муҳаббат туйғуси бирламчи ўринда туради. Унинг оиласига меҳри ўлчовларга сиймаган. Ота-онасига, синглисига, жигарларига бўлган муносабати, муҳаббати нечоғлик эди?**

— Муҳаммад ака ҳамма жигарларини яхши кўрар эри. У кишида иккиозламачилик деган нарса йўқ эди. Унинг бор буй-баси, қарашлари, муносабати, севгиси ёки нафрати, қўйинги, кўнглидан чиққан, бўғида турган ҳар бир сўзи шёърида бори-бордай ифодаланарди. Яқинларининг ҳар бирига жонқуяр эди. У кишининг бунчалар катта меҳрири қаердан олиши мени ҳайратлантирарди. Жигарларининг барчасини қандай бўлса шундайлигига, яхши-ёмони, гўзал хулқу-камчиликлари билан бирга яхши кўрар эди. Ота-онани севганини-ку, барча шу кишидан ўрганиши керак, дейман баъзида. Айниқса, онасини! Онаси ҳар нафасида ёнидадек эди, гўё! Бу шёърларида ҳам ифодаланади. Синглисига бўлган муносабатини алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Кенжа синглиси Муҳаббатхонга алоҳида эътибор қаратар, уни бошқача яхши кўрар эди. Айрим масалаларда ота-онасидан ҳам олдин синглиси билан маслаҳатлашар, унга меҳри бўлақча эди. Қайинсинглим ота уйдан узоқроққа келин бўлиб тушгани учунми ёки кичкиналигидан ўзи кўтариб катта қилгани учунми — билмадим, Муҳаммад ака ота юртига борса, албатта, биринчи бўлиб ундан хабар олар, тинчлигини, соғ-саломатлигини билиб, сўнгра ота уйига ўтарди. Ҳозир бизга ҳам бу аъна мерос бўлиб қолган.

— Мен ижодкор оиласининг фарзанди бўлганим учунми, илҳом лаззатини тогганим учунми, ҳеч қачон қилдан қийқ қидириб, рашк қилиб, жанжаллашмаганман. Ҳатто, биласизми, айрим шёърларининг мавзусини ўзим берганман. Бир куни "Сиз ҳам "Абдулла Ориповнинг "Биринчи муҳаббатим" шёърида, Муҳаммад Юсуфнинг биринчи муҳаббатини ёзинг", деб тақлиф берганман. Орадан сал вақт ўтиб, "Кўнглимда бир ёр" шёърини ёздилар ва бу шёър жуда шов-шув бўлиб, шухрат қозонди. Охунжон Мадалиев уни куйга солиб, қўшиқ қилди ва "Қамолот — 89" танловида биринчи ўринни олди.

Мен Муҳаммад аканинг шёърлари мавзусига аралашиб, суриштириб, муҳокама қилиб юрмаганман. Энг қизиғи, бу шёърда Муҳаммад ака биринчи муҳаббатини ёзган бўлса керак, деб ўйласам, у киши бир интервьусида, "Менинг кўнглимдаги ёр Оллоҳ, наҳот шуни тушунишмаган", деб хафа бўлиб, гина қилган эди.


— **Буюк истеъдод эгаларига на замон, на вақт, на ўлим ўз ҳўкминини ўтказса олмас экан. Улим нари борса айрилқч аламини солар. Аммо шоирнинг шёърлари тоабат яшайверар, севиб ўқилаверар, улар муҳаббат жомини сиқораётганлар, оталик бахтининг таъминини туйётганлар, кексаллик гаштини сураётганлар, юртидан оиласида — мусофирликда юрт соғинчини ҳис этаётган минглаб қалбларда яшайверар, ёд бўлиб тиллариде тақдор-тақдор, худди сибҳи қуриманган мисралар сингари жаранглайверар экан. Бунга келмаган ва вақтнинг, на сарҳадларини кучи етмас экан. Бунга халқимизнинг севишли шоири, асл фарзанди Муҳаммад Юсуф ижоди ёркин мисолдир. Ҳар бир қизалоқ, болажон ёнкин ўсмир унинг шёърларини ёд олиб, Ватанига, онасига, синглисига муҳаббатини баён қилади. Бундай абадиёт ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Шундай инсоннинг меҳрига, муҳаббатига сазовор бўлсангиз, бирга яшаш бахтига мушарраф бўлсангиз. Сиз учун бу бахтнинг гашти, салмоғи нечоғлик?**

— Муҳаммад ака билан ўн саккиз йилгина бирга яшадик, холос. Бу менга жуда ҳам кам фурсат бўлиб туолади. Аммо севишли халқининг меҳр-муҳаббатини, яхши кўрган фарзандларининг орзу-ҳавасларини, гўзал, бетакрор хотираларини ва фахрларини лаззатини мерос қолдирди. Бугун Муҳаммад аканинг мухлислари мени, фарзандларимни кўрганда шоирни кўргандай бўлади. Ўзбекистоннинг қайси бурча-га бормайлик, шоирнинг гўзал фазилатларидан гап очадилар, ўнлаб, юзлаб шёърларини кўзда ёш билан йиғлаб ўқийдилар, ўз жигарлари каби таваллуд кунини нишонлайдилар. Вафотидан бери сон-саноксиз марсиялар битилди, ҳамон хотирлар ёзилмоқда. Бу бировнинг бўйғури ёки зўрма-зўракилик билан эмас, оддийгина инсонларнинг, шоир жон қадар севган она халқнинг юрак амури билан бўлаётир. Бу қадар эҳтиром ҳаммага ҳам насиб қилавермайди.

Хукуматимиз томонидан ҳам Муҳаммад Юсуф-чалик қадрланган ижодкор жуда кам. Шоирнинг иккинчи умри завол билмас, боқий умри бўлиб қолди. Йигирма уч йилдирки, унинг номи тилларда, дилларда. Бундан кейин ҳам унутилмаёвжак!

Бундан ортиқ бахт борми биз учун!

"Адолат" муҳбири Саодат МАТЕКУБ қизи сўхбатлашди



ортиқроқ эътибор қилиб, Адиблар хиёбонига ҳайкалини қўйдирганларида, уларнинг номида Ижод мактаби очтирганларида... очиги, буларнинг ҳаммаси тушимдагидек эди, ўнгимда шу воқеалар содир бўлаётганига ишонмаганман. Беадад шукрим, бу ўнгимда содир бўлди.

Бундан қаранки, 2019 йилда ўзини ҳам "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан тақдирладилар. Бу эса, тушимга ҳам кирмаган иззат эди.

— **Назира опа, маълумки, шоир шёърларининг илк ўқувчиси, таҳриру танқидчиси сиз бўлгансиз. Унинг севаги, муҳаббат ҳақида бетакрор шёърлари жуда таъсирли, ҳар бир ошқининг дилидаги ноладай. Уларни ўқиб, кўнглингизга шубҳа оралаб, рашк қилиб, оралингизга "ола мушук" оралаган пайтлар ҳам бўлгандир?**

— Мен ижодкор оиласининг фарзанди бўлганим учунми, илҳом лаззатини тогганим учунми, ҳеч қачон қилдан қийқ қидириб, рашк қилиб, жанжаллашмаганман. Ҳатто, биласизми, айрим шёърларининг мавзусини ўзим берганман. Бир куни "Сиз ҳам "Абдулла Ориповнинг "Биринчи муҳаббатим" шёърида, Муҳаммад Юсуфнинг биринчи муҳаббатини ёзинг", деб тақлиф берганман. Орадан сал вақт ўтиб, "Кўнглимда бир ёр" шёърини ёздилар ва бу шёър жуда шов-шув бўлиб, шухрат қозонди. Охунжон Мадалиев уни куйга солиб, қўшиқ қилди ва "Қамолот — 89" танловида биринчи ўринни олди.

Мен Муҳаммад аканинг шёърлари мавзусига аралашиб, суриштириб, муҳокама қилиб юрмаганман. Энг қизиғи, бу шёърда Муҳаммад ака биринчи муҳаббатини ёзган бўлса керак, деб ўйласам, у киши бир интервьусида, "Менинг кўнглимдаги ёр Оллоҳ, наҳот шуни тушунишмаган", деб хафа бўлиб, гина қилган эди.

— **Буюк истеъдод эгаларига на замон, на вақт, на ўлим ўз ҳўкминини ўтказса олмас экан. Улим нари борса айрилқч аламини солар. Аммо шоирнинг шёърлари тоабат яшайверар, севиб ўқилаверар, улар муҳаббат жомини сиқораётганлар, оталик бахтининг таъминини туйётганлар, кексаллик гаштини сураётганлар, юртидан оиласида — мусофирликда юрт соғинчини ҳис этаётган минглаб қалбларда яшайверар, ёд бўлиб тиллариде тақдор-тақдор, худди сибҳи қуриманган мисралар сингари жаранглайверар экан. Бунга келмаган ва вақтнинг, на сарҳадларини кучи етмас экан. Бунга халқимизнинг севишли шоири, асл фарзанди Муҳаммад Юсуф ижоди ёркин мисолдир. Ҳар бир қизалоқ, болажон ёнкин ўсмир унинг шёърларини ёд олиб, Ватанига, онасига, синглисига муҳаббатини баён қилади. Бундай абадиёт ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Шундай инсоннинг меҳрига, муҳаббатига сазовор бўлсангиз, бирга яшаш бахтига мушарраф бўлсангиз. Сиз учун бу бахтнинг гашти, салмоғи нечоғлик?**

— Муҳаммад ака билан ўн саккиз йилгина бирга яшадик, холос. Бу менга жуда ҳам кам фурсат бўлиб туолади. Аммо севишли халқининг меҳр-муҳаббатини, яхши кўрган фарзандларининг орзу-ҳавасларини, гўзал, бетакрор хотираларини ва фахрларини лаззатини мерос қолдирди. Бугун Муҳаммад аканинг мухлислари мени, фарзандларимни кўрганда шоирни кўргандай бўлади. Ўзбекистоннинг қайси бурча-га бормайлик, шоирнинг гўзал фазилатларидан гап очадилар, ўнлаб, юзлаб шёърларини кўзда ёш билан йиғлаб ўқийдилар, ўз жигарлари каби таваллуд кунини нишонлайдилар. Вафотидан бери сон-саноксиз марсиялар битилди, ҳамон хотирлар ёзилмоқда. Бу бировнинг бўйғури ёки зўрма-зўракилик билан эмас, оддийгина инсонларнинг, шоир жон қадар севган она халқнинг юрак амури билан бўлаётир. Бу қадар эҳтиром ҳаммага ҳам насиб қилавермайди.

Хукуматимиз томонидан ҳам Муҳаммад Юсуф-чалик қадрланган ижодкор жуда кам. Шоирнинг иккинчи умри завол билмас, боқий умри бўлиб қолди. Йигирма уч йилдирки, унинг номи тилларда, дилларда. Бундан кейин ҳам унутилмаёвжак!

Бундан ортиқ бахт борми биз учун!

"Адолат" муҳбири Саодат МАТЕКУБ қизи сўхбатлашди

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Бош муҳаррир: Ислам ХАМРОЕВ
Таҳрир хайъати:
Робохон МАХМУДОВА
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИН
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖўРАЕВ
Зухра ИБРАГИМОВА
Тошқўлат МАТИБАЕВ
Тальят МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ

Бўлимлар:
Котибият — 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15
Қабулхона — 71 288-42-12 (141) факс;
НАШР
КўРСАТКИЧИ: 100
Газета 1995 йил 22 февралдан
чиқа бошлаган
Масъул котиб — Абдугани Содиқов
Навбатчи муҳаррир — Абдуқамол Йўлдошев

ISSN 2091-5217
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қозғ бичими А-2. Ҳажми — 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 400

Адади — 3008
Босишга топширилган вақти — 21.00
Босишга топширилган нархда — 21.10
Баҳоли келишилган нархда
Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
"Шарк" НМАК Босмаханасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Муқим Тўронов кўчаси, 41-уй.